"ТАСДИҚЛАНГАН"
"Uzun paxta tozalash"
aksiyadorik jamiyati
Кузатув кенгаши йиғилишининг
2018 йил 3 февралдаги қарори билан

Жамият кузатув кенгаши

_____________ Ш.Қурбонов

М.Ў.

"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази Сурхондарё вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

_____________ Э.Искандаров

24.03.2018 _____ S0153-6 - сон
(сана)

М.Ў.

# ҚЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

## "Uzun paxta tozalash" aksiyadorlik jamiyati

(эмитентнинг тўлик номи кўрсатилади)

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Идентификация рақами берилди:** | R | U | 1 | 0 | 6 | J | 0 | 1 | 5 | 3 | T | 5 |
| **Идентификация рақами берилди:** | R | U | 2 | 0 | 6 | J | 0 | 1 | 5 | 3 | T | 3 |

**Номинал киймати 500 сўм бўлган 85 600 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 2 389 400 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз (накдсиз) акция**
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал киймати кўрсатилади)

**Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар ёпик обуна орқали уюшмаган кимматли қоғозлар бозорида жамият акциядорлари ўртасида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан хисобга қўйиш операциялари (капитализация) амалга оширилган санада хеч қандай шартномалар тузилмаган холда жамият акциядорлари ўртасида уларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини капитализация қилиш хисобига хар бир акциядорга, қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда хар бир дона мавжуд акциясига қўшимча 2 дона акция қўшиб бериш йўли билан қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.**
(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 6 (олтинчи) чиқарилишдир.
(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг қарори билан тасдиқланган.
(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

Жамият Кузатув кенгаши йиғилишининг 2018 йил 03 февралдаги баённомаси асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари:
Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Навруз маҳалласи, Жомий куч., 22 уй
тел. (0 376) 44-43-330.

Эмитентнинг раҳбари: _____________ Шакулов А.О.
(Ф.И.Ш., имзо)

Бош бухгалтер: _____________ Алиев У.А.
(Ф.И.Ш., имзо)

Мухр 2018 йил 3 феврал

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **имтиёзли ва оддий**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз (нақдсиз)**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **500 сўм**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **85 600 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 2 389 400 дона эгасининг номи ёзилган оддий**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **1 237 500 000 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг хуқуқлари:

**- акциядорлар реестрига киритилиши;**

**- акциядорлар реестиридан ўзлари хақида қимматли қоғоз хисобланмайдиган кўчирмалар олиш;**

**- жамият фойдасининг бир қисмини дивиденд сифатида олиш;**

**- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**

**- жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**

**- жамият низомига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;**

**- олган дивидендларини эркин тасарруф этиш;**

**- ваколатли давлат бошқарув органларида ва судда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш;**

**- эмитентнинг ўқувсиз, ғаразли хатти-харакатлари туфайли кўрган зарарларини тўлашни талаб қилиш;**

**- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эхтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;**

**- жамият оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар умумий йиғилишда мазкур йиғилиш ваколатига кирган масалалар бўйича овоз бериш хуқуқи билан қатнашиш;**

**- амалдаги қонунларга кўра хамда жамият уставига кўра бошқа хуқуқларга эгалар.**

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият уставида ушбу чиқарилувга нисбатан чекловлар кўзда тутилмаган.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **618 750 000 сўм**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **42 800 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция, 1 194 700 дона эгасининг номи ёзилган оддий нақдсиз акция**.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Корпоратив облигациялар чиқарилмаган**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

**Ушбу чиқарилаётган акциялар, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан хисобга қўйиш операциялари (капитализация) амалга оширилган санадаги жамият акциядорлари ўртасида уларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини капитализация қилиш хисобига ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда хар бир дона мавжуд акциясига қўшимча 2 (икки) дона акция қўшиб бериш йўли билан жойлаштирилади.**

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпик обуна): **Ушбу чиқарилаётган акциялар, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан хисобга қўйиш операциялари (капитализация) амалга оширилган санадаги жамият акциядорлари ўртасида уларнинг оддий ва имтиёзли акцияларини капитализация қилиш хисобига ҳар бир акциядорга қайси турдаги**

**акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда хар бир дона мавжуд акциясига 2 (икки) дона акция қўшиб бериш йўли билан ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўн беш календар кундан ошмаслиги керак.**

**Бунда:**

Жойлаштиришни бошлаш санаси - **акциялар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган кунидан бошланади.**

Жойлаштиришни тугатиш санаси - **Мазкур чиқарилишнинг сўнги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур акциялар Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 15 календар кундан ошмаслиги лозим.**

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: **Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар ёпиқ обуна орқали уюшмаган қимматли қоғозлар бозорида жамият акциядорлари ўртасида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан хисобга қўйиш операциялари (капитализация) амалга оширилган санада хеч қандай шартномалар тузилмаган холда жамият акциядорлари ўртасида уларнинг акцияларини капитализация қилиш хисобига хар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда хар бир дона мавжуд акциясига 2 (икки) дона акция қўшиб бериш йўли билан қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади. Ушбу акциялар жойлаштирилишида, андеррайтерлар жалб қилинмайди.**

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Тўлик фирма номи: **Қимматли Қоғозлар Марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси.**

Жойлашган жойи: **Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107 уй. Тел.(0371) 267-36-42.**

Почта манзили: **индекс 100000, Тошкент шахри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107 уй., e-mail:info@deponent.uz.**

**Акцияларга булган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси:**

Тўлиқ фирма номи: **Depozitariy "SURXONDARYO VAQT" масъулияти чекланган жамияти.**

Жойлашган жойи: **индекс 190111, Термиз шахри, С.Саодат кўчаси, 84 уй.**

Почта манзили: **190111, Термиз шахри, С.Саодат кўчаси, 84 уй. Тел.(0376) 22-118-36, e-mail: survakt@mail.ru**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: **Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш кўзда тутилмайди.**

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: **Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган акциялар номинал киймати бўйича жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: **Акциялар жамият акциядорлари ўртасида 2015-2016 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдасидан устав фондини капитализация қилиш шарти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган 615 933 000 сўми ва эски йилларнинг соф фойдасидан устав фондини капитализация қилиш шарти билан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилган 1 032 088 600 сўми жами 1 648 021 600 сўм маблағлари хисобидан**

**<u>1 237 500 000 сўмни (Бир миллиард икки юз ўттиз етти миллион беш юз минг) сўмлик қисмини устав капиталини оширишга йўналтириш асосида жойлаштирилади. Шу сабабли акцияларга хеч қандай тўлов амалга оширилмайди.</u>**

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: **<u>Жамиятнинг ушбу акциялари чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, бу хақдаги тегишли маълумот конунчиликда белгиланган тартибда эълон қилинади. Ушбу чиқарилишда жамиятнинг тақсимланмаган фойдаси устав капиталини оширишга йўналтирилаётганлиги сабабли, мазкур чиқариш амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.</u>**

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: **<u>Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси билан Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Навруз маҳалласи, Жомий куч., 22 уйда жойлашган жамият маъмурий биносида (қимматли қоғозлар бўлимида) танишиш мумкин. Контакт телефонлар (0 376) 44-43-330.</u>**

**<u>Жамият кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг махсус веб-сайти негизидаги www.openinfo.uz Корпоратив ахборотлар ягона портали ва жамиятнинг https://uzunpaxta.uz манзилли корпоратив веб-сайтида жойлаштириш орқали ошкор қилади.</u>**

13. Бошқа маълумотлар:

**Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:**

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: **“Uzun paxta tozalash” aksiyadorlik jamiyati;**

кирилл ёзувида: **“Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти;**

Рус тилида: **Акционерное общество “Узун пахта тозалаш”;**

Инглиз тилида: **Joint stock company “Uzun paxta tozalash” ;**

**Жамиятнинг қисқартирилган номи:**

Ўзбек тилида:

лотин ёзувида: **“Uzun paxta tozalash” AJ;**

кирил ёзувида: **“Узун пахта тозалаш” АЖ;**

Рус тилида: **АО “Узун пахта тозалаш”;**

Инглиз тилида: **JSC “Uzun paxta tozalash”.**

Жамиятнинг асосий фаолият йўналиши ва ишлаб чиқариш (хизмат) турлари:

- пахта хом ашёсини белгиланган тартибда харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, жаҳон бозорида рақобатга бардошли юқори сифатли пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва шу орқали жамиятнинг иқтисодий самарадорлигини кучайтириш ва фойда олиш;
- пахта хом ашёсини харид қилиш ва қайта ишлаш юзасидан пахта етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермер хўжаликлари билан контрактация шартномалари тузиш;